

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ
ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДА**

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунига** мувофиқ давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансан:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ташаббус қилиш, ишлаб чиқиш ва хусусий шерикни танлаш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини дастлабки баҳолаш тартиби белгилаш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тайёрлаш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисботни юритиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини юритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси **Хукуматининг 2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги 309-сон қарори билан тасдиқланган Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг **43** ва **44-бандлари** ўз кучини йўқотган деб ҳисблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,

2020 йил 26 апрель,

259-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом барча давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда — ДХШ) лойиҳаларини ташаббус қилиш, ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш, хусусий шерикни танлаш, ДХШ лойиҳаларининг реестрини юритиш ҳамда уларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни юритиш тартибини белгилайди.

2. Давлат органи (ташкилоти) (кейинги ўринларда — давлат ташаббускори) ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахс (кейинги ўринларда — хусусий ташаббускор) томонидан таклиф этилаётган ДХШ лойиҳаларининг қиймати — қурилиш (реконструкция ва модернизация қилиш), хизмат кўрсатиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш даврида ДХШ лойиҳасини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган капитал қўйилмалар ва киритиладиган инвестициялар ҳажмидан иборат бўлади.

Бунда давлат томонидан берилиши мумкин бўлган бино ёки бепул асосда ажратилиши мумкин бўлган ижара майдонлари ҳамда ер майдонлари лойиҳа қийматига киритилмайди.

Низом кучга киргунга қадар тендер босқичида бўлган лойиҳаларга нисбатан ушбу Низом қоидалари татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

ДХШ — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

ДХШ лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

ДХШ лойиҳасининг концепцияси — давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойиҳасини амалга оширишини ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, ушбу лойиҳанинг қийматини ва тавсифини белгилайдиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини, асосий тавсифномалари ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган хужжат;

ДХШ обьекти — лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши ДХШ лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулқ, мулкий комплекслар, ижтимоий инфратузилма, шунингдек, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

ДХШ обьектидан эркин фойдаланилиши учун тўлов — ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ ДХШ обьектидан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) ва (ёки) ушбу обьектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишини таъминлаганлик учун хусусий шерикка давлат шериги томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

давлат шериги — Ўзбекистон Республикаси бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа органлар (ташкилотлар) ёки уларнинг бирлашмалари унинг номидан иш юритади;

фойдаланганлик учун тўлов — товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ ДХШ лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олинадиган тўловлар;

хусусий шерик — Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан ДХШ тўғрисида битим тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмаси;

захирадаги ғолиб — тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор;

лойиҳани баҳолаш хужжати — лойиҳанинг қийматини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технологик ва лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лойиҳа хужжати;

талабгор — ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича қизиқиш билдирган, тендерда иштирок этиш учун ариза (тендер аризаси, тендер таклифи) тақдим этган хусусий тадбиркор ёки юридик шахс, шу жумладан хорижий давлатларнинг қонун хужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслари;

тендер ғолиби — тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ лойиҳасини амалга ошириши учун танланган буюртмачи.

2-боб. Лойиҳани дастлабки баҳолаш тартиби

4. Таклиф этилаётган лойиҳани айнан ДХШ механизmlари асосида амалга ошириш имкониятларини ўрганиш мақсадида давлат шериги муайян лойиҳани дастлабки баҳолашдан ўтказади.

Лойиҳага нисбатан ДХШ механизmlарини жорий этиш учун лойиҳалар қўйидаги барча мезон ва шартларга мувофиқ бўлиши лозим:

иқтисодий, ижтимоий вазифалар ва инфратузилма билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қаратилганлиги;

таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича амалга оширилаётган фаолият турлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан олиб борилганлиги;

таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва даражаси амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқорилиги;

ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатларига мувофиқлиги; юридик мақбуллик шартларига мувофиқлиги, яъни ДХШ обьектига бўлган мулкий ҳуқуқлар давлат шеригининг ваколатида бўлиши; лойиҳанинг молиявий таъминланганлик шартларига мувофиқлиги; хусусий инвестицияларнинг жалб этилганлиги; лойиҳага талаб ва эҳтиёжнинг мавжудлик шартларига мувофиқлиги; таклиф этилаётган лойиҳанинг хорижий ёки маҳаллий тажрибадан ўтганлиги; лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хатарларнинг тақсимланганлиги; илғор бошқарув тажрибасининг жорий этилганлиги; инновацион ёндашувни ўз ичига олиши ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаши; лойиҳани амалга ошириш давомида автоматлаштирилган электрон ҳисобкитоблар ва ҳисботлар жорий этилиши.

5. Таклиф этилган лойиҳанинг иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишига оид эканлиги — тармоқни ривожлантириш дастури, инвестиция дастури ва техник аудит ҳисботлари каби ҳужжатлар асосида аниқланади.

6. Таклиф этилган лойиҳани ДХШ механизмлари асосида амалга ошириш имкониятлари мавжуд деб топилса, белгиланган тартибда ДХШ лойиҳаси ташаббус қилинади ва тайёрланади.

3-боб. ДХШ лойиҳасини ташаббус қилиш

7. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси давлат ташаббускори ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан ташаббус қилиниши мумкин.

ДХШ лойиҳасини ташаббус қилиш:

ДХШ лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқишни;

ДХШ лойиҳасининг концепциясини баҳолаш, келишиш ва тасдиқлашни; ваколатли давлат органи томонидан ДХШ лойиҳаси концепциясини кўриб чиқишни;

ДХШ лойиҳаси концепциясини ваколатли давлат органи томонидан маъқуллашни, рад этишни ёки маромига етказиш учун қайтаришни;

ДХШ лойиҳасининг келишиб олинган концепциясининг давлат шериги ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланишини;

ДХШ лойиҳасининг концепциясини ваколатли давлат органи томонидан ДХШ лойиҳаларининг реестрига киритишни ўз ичига олади.

8. Зарур ҳолларда, юридик шахс бошқа тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда консорциум ташкил этган ҳолда, лойиҳани ташаббус қилиши мумкин. Консорциум аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари консорциум ташкил этиш тўғрисидаги битимда белгилаб қўйилади.

9. ДХШ лойиҳасини тайёрлаш давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг оқилоналиги ва самарадорлигини ҳамда бу лойиҳани амалга ошириш мақсадида унинг мақбул шаклини аниқлашни таъминловчи дастлабки молиявий ҳисбкитоблар асосида, хусусан:

ДХШ лойиҳасининг молиявий-иктисодий самарадорлиги кўрсаткичлари;

ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ хусусий шерик томонидан лойиҳалаштирилаётган, барпо этилаётган, молиялаштирилаётган, реконструкция қилинаётган, фойдаланилаётган ёки хизмат кўрсатилаётган ДХШ объективининг таркиби ва параметрлари;

хусусий шерикнинг кутилаётган инвестициялари ҳажми ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларидан тахмин қилинаётган молиялаштириш ҳажми;

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг мажбуриятлари;

хусусий шерикка кўрсатиладиган давлат кўмагининг турлари;

музокаралар ўтказиш муддатлари;

ДХШ обьектидан фойдаланган ҳолда тақдим этиладиган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) фойдаланиш шартлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

10. Аҳолининг, товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчиларнинг, улардан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида ДХШ лойиҳасини тайёрлаш жамоатчилик муҳокамалари билан бирга олиб борилиши керак.

4-боб. ДХШ лойиҳасининг концепциясини ва лойиҳани баҳолаш хужжатини тайёрлаш тартиби

11. Давлат ташаббускори ёки хусусий ташаббускор томонидан мазкур Низомга **1-иловага** мувофиқ шаклда ДХШ лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилади.

12. Давлат ташаббускори ёки хусусий ташаббускор томонидан мазкур Низомга **2-иловага** мувофиқ шаклда лойиҳани баҳолаш хужжатини (кейинги ўринларда — ЛБҲ) ишлаб чиқади.

Агар ДХШ лойиҳасининг техник-иктисодий асослари ёки техник-иктисодий ҳисоб-китоби ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган бўлса, ЛБҲ тайёрлаш талаб этилмайди.

13. ДХШ лойиҳаларини ташаббус қилиш, ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш, хусусий шерикни танлаш, ДХШ лойиҳасининг реестрини юритиш ушбу Низомга **3** ва **4-иловадаги** схемага мувофиқ амалга оширилади.

14. Ваколатли давлат органи шартнома асосида ДХШ лойиҳаларининг концепциялари, тендер хужжатлари, битимлар лойиҳалари, ЛБҲ ҳамда бошқа лойиҳа ва лойиҳаолди хужжатларини ишлаб чиқишида Давлат ташаббускори ёки хусусий ташаббускорларга кўмаклашади.

5-боб. ДХШ лойиҳасининг концепциясини давлат ташаббускори томонидан тайёрлаш тартиби

15. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси давлат шериги томонидан мустақил равищда беш календарь куни мобайнида тасдиқланади.

16. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲ давлат шериги томонидан ёзма равищда ваколатли давлат органига келишиш учун тақдим қиласи.

Ваколатли давлат органи ДХШ лойиҳасининг концепциясини (ЛБҲ билан биргаликда) ўн иш куни мобайнида қўриб чиқади ва келишади, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.

Маромига етказиш учун қайтариленган ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲ давлат шериги томонидан қайта ишланиб, ёзма равищда ваколатли давлат органига келишиш учун қайта киритади.

ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲ қўриб чиқиш жараёнида ваколатли давлат органи давлат шеригидан лойиҳага оид зарур маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли.

ДХШ лойиҳасининг концепциясини келишиш босқичида Давлат бюджетидан молиялаштириш талаб қилинган тақдирда, лойиҳанинг қийматидан қатъи назар, барча лойиҳалар учун давлат шериги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли хулосаси олинади.

Ҳужжатлар тўплами давлат шериги томонидан тўлиқ тақдим этилган сана ДХШ лойиҳасининг концепциясини қўриб чиқиш бошланган сана деб ҳисобланади.

ДХШ лойиҳасининг концепцияси ҳамда ЛБҲ берилган маълумотларнинг тўғрилиги, тўлиқлиги, ҳаққонийлиги ва сифатли тақдим этилганлиги учун давлат шериги жавобгар ҳисобланади.

17. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг, давлат шериги ДХШ лойиҳасининг концепциясини беш календарь куни мобайнида тасдиқлади.

18. Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг, беш календарь куни мобайнида ваколатли давлат органи томонидан Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади.

Вазирлар Маҳкамаси ўн календарь куни мобайнида ДХШ лойиҳасининг концепциясини қўриб чиқади ва маъқуллайди, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.

6-боб. ДХШ лойиҳасининг концепциясини хусусий ташаббускор томонидан тайёрлаш тартиби

19. Хусусий ташаббускор томонидан ишлаб чиқилган ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲ потенциал давлат шеригига келишиш учун тақдим этилади.

20. Потенциал давлат шериги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорни ўттиз календарь куни мобайнида қабул қиласи ва бу ҳақда хусусий ташаббускорни хабардор қиласи.

21. Хусусий ташаббускор томонидан ишлаб чиқилган ДХШ лойиҳаси концепцияси (ЛБҲ билан бирга) потенциал давлат шериги томонидан маъқулланган тақдирда, хусусий ташаббускор ва потенциал давлат шеригининг биринчи раҳбари томонидан имзоланади ва келишиш учун беш календарь куни мобайнида ваколатли давлат органига тақдим қилинади.

Лойихага баҳолаш хужжатларидағи ҳисоб-китобларни тасдиқловчи маълумотлар илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

22. Ваколатли давлат органи ДХШ лойиҳасининг концепциясини (ЛБҲ билан биргаликда) ўн иш куни мобайнида кўриб чиқади ва маъқуллайди, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.

23. Хусусий ташаббускор томонидан таклиф этилган ДХШ лойиҳасининг концепцияси мазкур Низомнинг [15](#), [17](#) ва [18-банларига](#) мувофиқ тартибда тасдиқланади.

24. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни рад этиш учун қуидагилар асос бўлади:

хусусий ташаббускорнинг талабгорларга нисбатан қўйиладиган, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги [Қонунида](#) белгиланган талабларга мос келмаганлиги;

потенциал давлат шеригида давлат-хусусий шериклик обьектига нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқининг ёки оператив бошқарув ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги;

давлат-хусусий шериклик обьектини лойиҳалаштириш, қуриш, барпо этиш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш заруриятининг мавжуд эмаслиги;

loyiҳани амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги ва (ёки) бунга ижтимоий эҳтиёжнинг мавжуд эмаслиги.

25. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланган тақдирда, потенциал давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ҳамда бошқа талабгорларга давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини ўзининг расмий веб-сайтида, ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва бошқа маҳсус веб-сайтларда беш календарь кун ичida эълон қиласи.

Агар давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичida потенциал давлат шеригига бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, потенциал давлат шериги Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги [Қонунининг 25-моддасига](#) мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қиласи ва хусусий ташаббускор билан музокараларни ўтказишга киришади, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли давлат органи билан келишади ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан келишиб олинган кундан эътиборан олтмиш кун ичida хусусий ташаббускор билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида тендер ўтказмаган ҳолда битим тузади.

Агар бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини

маълум қилса, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерикни аниқлаш тендер асосида амалга оширилади.

Тендер комиссияси талабгорларни дастлабки малакалашдан ўтказган ҳолда, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерик тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида қайта эълон қилинмасдан, тўғридан-тўғри хусусий ташаббускор ва талабгорларнинг киритилган техникавий таклифлари ва тижорат (молиявий) таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш орқали тендер асосида аниқланади.

26. Хусусий ташаббускорга давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни давлат-хусусий шериклик лойиҳаси умумий қийматининг бир фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда тендернинг ғолиби ёки захирадаги ғолиби ҳисобидан қопланиши мумкин.

7-боб. Давлат хусусий-шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ҳужжатлари

27. Давлат шериги ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказишини тартибга солувчи тендер ҳужжатлари ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳасини тайёрлайди ва лойиҳанинг умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган тақдирда, келишиш учун ваколатли давлат органига тақдим этади.

Тендер ҳужжатлар ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан ўн календарь куни мобайнида келишилади ва тасдиқлаш учун давлат шеригига қайтарилади.

Тендер ҳужжатлари ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг, давлат шериги уларни уч иш куни мобайнида тасдиқлайди ва бир ёки икки босқичли тендер босқичига ўтади.

28. Тендер ҳужжатларида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

талабгорларнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга доир талаблар;

давлат-хусусий шериклик объектининг жойлашган ери;

давлат-хусусий шериклик объектининг техник-иктисодий кўрсаткичлари;

лоиҳани молиялаштириш манбалари;

давлат-хусусий шериклик объектини лойиҳалаштириш, қуриш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш муддатлари;

давлат-хусусий шериклик объекти ёки хусусий шерик томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатининг кўрсаткичлари ёки унга доир энг кам талаблар;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бажариш мақсадида давлат шериги томонидан хусусий шерикка бериладиган молиялаштириш ҳажми, мол-мулкнинг ёки мулкий ҳукуқларнинг рўйхати;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ўз зиммасига олаётган хавф-хатарлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг параметрлари акс эттирилиши керак бўлган валюта ва уларни таққослаш ва баҳолаш мақсадида ягона валютага келтириш учун ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган валютанинг курси;

тендер мезонларининг тавсифи;

тендер буюртмаси (таклифи) бериладиган тилга доир талаблар;

тендер буюртмасининг (таклифининг) мазмуни, тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш ва уларнинг амал қилиш усули, жойи, муддатлари;

тендер буюртмасига (таклифига) доир таъминот киритиш шартлари;

тендер буюртмалари (таклифлари) солинган конвертларни очиш тартиб-таомиллари, жойи, санаси ва вақти.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси тендер хужжатларининг ажралмас қисмидир.

29. Тендер эълон қилингандан сўнг унда иштирок этиш истаги мавжуд талабгорлар тендер хужжатларини харид қиласидилар, улар тўлов асосида ҳар бир талабгорга берилади. Тендер хужжатини олиш учун тўлов миқдори тендер комиссияси томонидан белгиланади.

Давлат шериги томонидан талабгорлардан ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча тўлов талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

30. Тендер иштирокчилари консорциум шаклида иштирок этган тақдирда:

етакчи компания тендер техник талабларига тўлиқ риоя қилиши шарт;

молиявий талабларига консорциум вакилларининг умумий имкониятлари ҳисобга олинади.

31. Консорциум шаклидаги ташаббускорлар ўзининг тендер таклифида қўшимча тарзда консорциумнинг барча таъсисчилари номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати консорциум ташкил этиш тўғрисидаги битим асосида етакчи компанияга юклаганлигини тасдиқловчи хужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси тақдим қилинади.

32. Қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган ёки банкрот босқичида бўлган, мулки хатловда бўлган иштирокчиларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган ёки банкрот босқичида бўлган талабгорлар тендер комиссия томонидан тегишли ташкилотлар ва органларга сўровномалар юбориш йўли билан аниqlанади.

8-боб. Тендер комиссияси

33. Давлат шериги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуки бўйича тендер ғолибини аниqlаш учун тендер комиссиясини 3 иш куни мобайнида шакллантиради.

Вазирлар Маҳкамаси давлат шериги томонидан шакллантирилган ва таклиф этилган тендер комиссияси таркибини кўриб чиқади ва ўн календарь куни мобайнида тасдиқлайди.

34. Тендер комиссияси таркибига давлат шеригининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Монополияга қарши курашиш

қўмитасининг ва ваколатли давлат органининг вакиллари мажбурий тартибда киритилади.

35. Давлат шеригининг вакили тендер комиссияси раисидир. Ваколатли давлат органининг вакили тендер комиссияси таркибида маслаҳат овози билан иштирок этади.

36. Тендер комиссияси аъзоларининг сони ток бўлиши керак.

37. Тендер комиссияси, агар мажлисда унинг аъзолари умумий сонининг камиде етмиш беш фоизи ҳозир бўлса, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга, бунда тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

38. Тендер комиссиясининг қарорлари тендер комиссиясининг овоз берган аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

39. Тендер комиссияси ўз мажлисларининг баённомаларини юритади, баённомалар унинг мажлисларда ҳозир бўлган барча аъзолари томонидан имзоланади.

40. Тендер комиссияси аъзосида мажлисга чиқарилган масалалар юзасидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у ўз номзодини қайтариб олишини билдириши ва ушбу масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу хақда баённомада қайд этилади.

9-боб. Хусусий шерикни танлаш тартиби

41. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган концептуал қарорлар ва шартлар асосида батафсил техникавий таклиф ва тижорат (молиявий) таклифлари кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қўйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

тендерга қатнашиш истагини билдирган талабгорларга тендер ҳужжатлари тўпламини тақдим этиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан расмий буюртмалар ва тендер таклифларини олиш;

тендер ўтказиш кунини белгилаш ва талабгорларни хабардор қилиш;

талабгорларнинг тендер таклифлари солинган конвертларни очиш;

тендер таклифларини баҳолаш;

тендернинг ғолибини ва захирадаги ғолибини аниқлаш;

давлат шериги ва ваколатли давлат органи томонидан зарур ҳолларда тендер ғолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер ғолиби билан ДХШ тўғрисида битим тузиш.

Тендерда иштирок этиш учун тендер таклифларини бериш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кунидан кам бўлмаслиги керак.

42. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади.

Икки босқичли тендер дастлабки малакани аниқлаш ва тендер ғолибини саралаш босқичларини ўз ичига олади.

Икки босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида хамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

талабгорлардан тендерда иштирок этиш учун расмий буюртмаларни ва талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака буюртмаларини йифиши;

тендер комиссияси томонидан дастлабки малака буюртмаларини баҳолаш;

дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантириш ва уларни хабардор қилиш;

дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларга тендер хужжатлари тўпламини тақдим этиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан техникавий таклифларни ва тижорат (молиявий) таклифларини тақдим этиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорларнинг тендер таклифлари солинган конвертларни очиш;

тендер таклифларини баҳолаш;

тендернинг ғолибини ва захирадаги ғолибини аниқлаш;

давлат шериги ва ваколатли давлат органи томонидан зарур ҳолларда тендер ғолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер ғолиби билан ДХШ тўғрисида битим тузиш.

43. Дастлабки малакалашда иштирок этиш учун тендер таклифларини бериш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кунидан кам бўлмаслиги керак.

44. Дастлабки малакалашни ўтказиш натижасида камида иккита талабгорнинг малакаси малака талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

45. Тендер таклифларини бериш учун сўнгги муддат тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва у дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш календарь кунидан кам бўлмаслиги керак.

46. Бир босқичли ёки икки босқичли тендер талабгорларидан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳақли эмас. Талабгор тендер комиссиясига тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугагунига қадар исталган вактда тендер таклифини ўзgartириши ёки қайтариб олиши мумкин.

47. Тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат ичиде ўтказилади. Буюртмаларни (таклифларни) баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир тендер мезони бўйича амалга оширилади.

48. Тендер иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси талабгорларни тушунтиришлар бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун чақириш хуқуқига эга. Тендер якунларини чиқариш чоғида тендер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ишончли шахслари иштирок этиши мумкин.

49. Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер буюртмаларини (таклифларини) тендер таклифларининг сўрови талабларига номувофиқ деб топган тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва тақорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Тақорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

50. Тендер комиссияси тендер ғолиби ва захирадаги ғолиб тўғрисидаги ахборотни давлат шериги ҳамда ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қиласди.

51. Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди, мазкур Низомнинг [26-бандида](#) назарда тутилган ҳоллар бу нда мустасно.

10-боб. Тендер ғолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш

52. Тендер ғолиби расман эълон қилинган кундан бошлаб ўн календарь куни муддатида томонлар ўртасида ДХШ тўғрисидаги битим имзоланиши шарт.

53. Агар тендер ғолиби тендер хужжатларида назарда тутилган муддат тугаганидан кейин давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзоламаса ёки тендер комиссияси томонидан тендер ғолиби тақдим этган ахборотнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, тендер комиссияси уни дисквалификация қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва тендернинг захирадаги ғолибини ғолиб деб топади ҳамда унга тендер ғолибини дисквалификация қилиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўн календарь кун ичиде ғолиб шартлари асосида давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузишни таклиф этади.

54. Тендер комиссияси томонидан тендернинг захирадаги ғолибига давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш ҳақидаги таклиф юборилган санадан эътиборан ўттиз календарь куни ичиде ундан ижобий жавоб олинмаган тақдирда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва тақорий тендер эълон қиласди.

55. Қабул қилинган қарорга нисбатан эътиroz билдирган иштирокчи қарор юзасидан шикоят билан судга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

56. ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати — ДХШ обьекти учун жалб қилинган капитал қўйилмалар ва инвестицияларнинг тўлиқ қопланиш

муддатидан, шунингдек, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш даврида олинган асосий воситалар ва бошқа мол-мулклардан фойдаланиш муддатидан ҳамда олинадиган соф фойда кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш — хусусий шерик томонидан қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти асосида ваколатли давлат органи ва давлат шериги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш — хусусий шерик томонидан қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти асосида ваколатли давлат органи ва давлат шериги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

11-боб. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш тартиби

57. Тарафлар ДХШ тўғрисидаги битимни давлат шеригининг қарорига мувофиқ қўйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан тузиши мумкин:

давлатнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлашда;

ДХШ лойиҳасини амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланган интеллектуал фаолият натижаларига доир мутлақ ҳуқуқлар, бошқа мутлақ ҳуқуқлар, ер участкаси, бошқа кўчмас мол-мулк обьекти ва ўзга мол-мулк муайян шахсга тегишли бўлганда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари билан белгиланган ҳолларда.

Мазкур банднинг **учинчи хатбошидаги** мезон ДХШ лойиҳасини амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланган интеллектуал фаолият натижаларига доир мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

58. Давлат шериги ёки хусусий шерик давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш бўйича тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш учун ташаббус қилиш ваколатига эга.

59. Агар давлат шериги мазкур Низомнинг **57-бандида** кўрсатилган ҳоллар бўйича ДХШ тўғрисидаги битим тузишни таклиф қилса, ушбу лойиҳанинг концепциясини ва ЛБҲни хусусий шерик билан бирга ишлаб чиқади ва лойиҳанинг концепцияси белгиланган тартибда давлат шериги ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

60. ДХШ лойиҳаси концепцияси тасдиқлангандан сўнг ҳамда ДХШ тўғрисидаги битим тузилишидан олдин ушбу лойиҳанинг мазкур Низомнинг **57-бандига** мувофиқлигини давлат шериги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва ваколатли давлат органи томонидан ўрганиб чиқилади.

61. Давлат шериги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва ваколатли давлат органи вакиллари сони камидан учтани ташкил этиши, тоқ бўлиши ҳамда давлат шериги вакиллари сони жами вакилларнинг учдан бир қисмидан кўп бўлмаслиги шарт.

62. Давлат шериги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва ваколатли давлат органи вакиллари умумий сонинг камида етмиш беш фоизи иштироки таъминланса, ўрганишлар ўтказилади ва ўрганиш натижалари бўйича баённомалар расмийлаштирилади ва давлат шеригига тақдим қиласди.

63. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиладиган лойиҳанинг умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда ҳамда ўрганиш натижалари бўйича давлат шериги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва ваколатли давлат органи вакилларининг ижобий хулосаси олинган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш орқали ДХШ лойиҳаларининг амалга оширилишига йўл қўйилади.

64. Тўғридан тўғри музокаралар олиб борища давлат ва хусусий шерик ДХШ тўғрисидаги битимнинг шартларини келишиб олади. Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориладиган ДХШ лойиҳаси концепциясини тайёрлашга (ЛБҲни ўз ичига олган ҳолда) рухсат этилади.

65. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан ДХШ лойиҳасини амалга оширишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

хусусий ташаббускорнинг талабнома берувчиларга қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;

давлат шериги учун ДХШ обьектига нисбатан хўжалик бошқаруви ёки оператив бошқарув хуқуқининг мавжуд эмаслиги;

ДХШ обьектининг лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши зарурати йўқлиги;

loyiҳani амалга ошириш учун иқтисодий имконият ва ижтимоий эҳтиёжнинг йўқлиги.

12-боб. ДХШ лойиҳаларининг реестрини юритиш

66. ДХШ лойиҳасининг концепцияси тасдиқлангандан ҳамда ДХШ тўғрисидаги битим икки томонлама имзолангандан кейин уч календарь куни мобайнида давлат шериги расмий тартибда уч нусхадан иборат ДХШ лойиҳасининг концепцияси, ЛБҲ ва ДХШ тўғрисидаги битимнинг электрон ва қоғоз кўринишдаги нусхаларини ваколатли давлат органига ДХШ лойиҳаларининг реестрига киритиш учун тақдим қиласди.

67. Тақдим қилинган ДХШ лойиҳасининг концепцияси, ЛБҲ ва ДХШ тўғрисидаги битим тикилган, тартиб рақами қўйилган, муҳрланган ҳамда давлат ва хусусий шерикларнинг раҳбарлари томонидан имзоланган бўлиши керак.

68. ДХШ лойиҳасининг концепцияси, ЛБҲ ва ДХШ тўғрисидаги битим тўлиқ тақдим қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ваколатли давлат органи томонидан ҳужжатларнинг ҳар бир сахифасига тегишли штамп («REYESTRGA OLINDI» белгили штамп) босилиб, реестрга киритилади, рўйхатдан ўтказилади ҳамда уларнинг бир асл нусхаси ваколатли давлат органида сақланади ва икки асл нусхаси икки иш куни мобайнида давлат шеригига қайтарилади.

69. ДХШ лойиҳалари реестрга олингандан сўнг беш иш қуни мобайнида ваколатли давлат органи ва давлат шеригининг расмий веб-сайтига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталига (www.data.gov.uz) жойлаштирилади.

70. ДХШ лойиҳаларининг реестрида жамланган маълумотлар ва ахборотлардан фойдаланиш ҳеч қандай тўловларсиз амалга оширилади.

13-боб. ДХШ лойиҳалари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) нархларини (тарифларини) белгилаш тартиби

71. ДХШ лойиҳалари бўйича нархлар (тарифлар)ни асослаш учун қабул қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги **Низомга** ҳамда бошқа норматив-ҳуқукий ҳужжатларга асосан амал оширилади.

Ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)га нарх (тариф) ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлардан, давр сарф-харажатларидан, молиявий фаолият бўйича харажатлардан, солиқлар ва фойдадан бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлардан, шунингдек соф фойда суммасидан шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг **147-моддасида** назарда тутилган харажатлар, тасдиқланадиган нархни (тарифни) шакллантирища харажатларда ҳисобга олинмайди, юқори органлар ва хўжалик юритувчи субъект бирлашмаси таъминотига ажратмалар бўйича харажатлар бундан мустасно.

72. ДХШ лойиҳалари бўйича монополия ёхуд табиий монополия ҳисобланган ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)га нархлар (тарифлар) давлат шеригининг ёзма мурожаатига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг топшириги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармалари томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланади ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ алоҳида товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ва устамаларни белгилаш йўли билан амалга оширилади.

ДХШ лойиҳалари бўйича бошқа ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)га нархлар (тарифлар) — хусусий шерик билан келишилган ҳолда давлат шериги томонидан тасдиқланади.

73. ДХШ лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархлари (тарифлари) даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар кескин ўзгарган тақдирда хусусий шерик нархлар (тарифлар)ни қайта кўриб чиқиши ташаббуси билан чиқиши ҳуқуқига эгадир. Бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган тартибда тегишли ҳужжатларни ёзма хат орқали давлат шеригига тақдим қиласи ва уларнинг ёзма кўрсатмасида нархлар (тарифлар)ни қайта кўриб чиқиши ташаббусининг сабаблари кўрсатилиши керак.

74. ДХШ лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархлари (тарифлари)ни кўриб чиқиши учун тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш ва тасдиқлаш муддатлари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги **Низомга** мувофиқ тартибга солинади.

14-боб. ДХШ лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисботни тақдим этиш тартиби

75. Давлат шериги ва ваколатли давлат органи ДХШ лойиҳалари бажарилишининг ҳамда ДХШ тўғрисидаги битим шартларига риоя этилиши нуқтаи назаридан мониторингини амалга оширади.

76. Давлат шериги ва ваколатли давлат органининг заруратга кўра, жойларда мониторинг амалга оширилиши учун ДХШ объектларига кириши ва тегишли ҳужжатлардан фойдаланиши таъминланади.

77. Мониторинг ўтказиш учун ваколатли давлат органи вазирлик, идора, халқаро ташкилотлар ва консалтинг компанияларидан мутахассисларни жалб қилиш хуқуқига эга.

78. Мониторинг қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

ложиҳани ўз вақтида ва самарали амалга оширишни таъминлаш;

ДХШ лойиҳасининг молиявий-иктисодий самарадорлиги қўрсаткичлари бажарилишини ўрганиш;

ЛБҲ билан тасдиқланган тарифлар (нархлар)га амал қилинишини ўрганиш;

давлат ва хусусий шерикларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ўз вақтида ҳал этилиши учун уларнинг жавобгарлигини ошириш;

ложиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида тўсқинлик қилаётган факторларни аниқлаш ва ўрганиш, бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш;

тасдиқланган муддатлар ва ҳажмларга қатъий мувофиқ равишда лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш устидан назорат ўрнатиш;

давлат ва хусусий шериклар олдида лойиҳалар бўйича олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

79. ДХШ лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисботни ваколатли давлат органига давлат шериги томонидан имзоланган ва тасдиқланган ҳолда ҳар олти ойда тақдим этади.

80. Давлат шериги ҳисботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши, тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

81. Ваколатли давлат органи давлат шериги томонидан тақдим қилинган ҳисботларни умумлаштиради ҳамда якуни бўйича маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

82. ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлар давлат шериги ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

15-боб. Якунловчи қоидалар

83. Мазкур Низом нормалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

84. Мазкур Низомни бажаришдан келиб чиқадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби

тўғрисидаги **НИЗОМГА**

1-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
(Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат шериги)

20 ____ йил «__» ____ (Ф.И.О.)

ДХШ лойиҳасининг намунавий концепцияси

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи: _____

Тармоқ номи: _____

Лойиҳа турни: _____

Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш хажми _____

Давлат шеригининг номи: _____

Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шахар): _____

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидағи батағсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Кўшимча маълумотлар																							
1.	Лойиҳанинг ЛБХ/ТИА/ТИҲК мавжудлиги: Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Агар «Ха» жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.																						
2.	Лойиҳа қўйидагилардан бирига киритилган бўлса: Инвестицион дастури <input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки карори <input type="checkbox"/> Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/> Бошка <input type="checkbox"/> Батағсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг:																						
3.	Хусусий шерикнинг лойиҳанинг амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-хукукий ҳужжатларни кабул қилиш учун зарурати борми? Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>																						
4.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якунний хизматларини тасвирилаб беринг:																						
5.	a) Капитал қўйилмалар ва бошка харажатлар суммаси (АҚШ долларида):	б) Эксплуатация харажатларини миқдори (АҚШ долларида):	в) Умумий харажатлар (АҚШ долларида):																				
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: ____ йил Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 3-10 <input type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>	д) Лойиҳанинг амалга ошириш муддати: ____ йил Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: <10 <input type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>																					
6.	a). Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Эркин фойдаланиш учун тўлов <input type="checkbox"/> б). Фойдаланганлик учун тўлов/ Эркин фойдаланиш учун тўлов (АҚШ долларида):																						
	Даромадлар таксимотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Кўшимча фойда таксимоти <input type="checkbox"/>																						
7.	в) ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: Давлат ташаббускори <input type="checkbox"/> Хусусий ташаббускор <input type="checkbox"/>																						
8.	Хусусий ва давлат шериги ўргасидаги хатарларни тақсимлашда, тақлиф килинган ўзгаришларни белгиланг. <table border="1"><tr><td>Хавф ёки хатарлар турлари</td><td>Давлат шериги</td><td>Умумий</td><td>Хусусий шерик</td><td>Хатар тасимоти асоси</td><td>Изоҳ</td></tr><tr><td>Лойиҳага тегишли хавф хатарлар</td><td></td><td></td><td>•</td><td></td><td></td></tr><tr><td>Дизайн ва</td><td></td><td></td><td>•</td><td></td><td></td></tr></table>					Хавф ёки хатарлар турлари	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тасимоти асоси	Изоҳ	Лойиҳага тегишли хавф хатарлар			•			Дизайн ва			•		
Хавф ёки хатарлар турлари	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тасимоти асоси	Изоҳ																		
Лойиҳага тегишли хавф хатарлар			•																				
Дизайн ва			•																				

технологияларнинг эскириш хавфи					
Яшириш нуқсон хавфи			•		
Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боглик бўлган хатарлар	•				
Молиявий хатарлар			•		
Курилиш билан боглик бўлган хатар (аник бўлмаган)	•				
Курилиш билан боглик бўлган хатар (аник бўлган)			•		
Ишга тушириш билан боглик бўлган хатарлар		•			
Лойиха шартномаси тузилганидан кейин лойихага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•				
Лойиханини сугуртасига онд хатарлар			•		
Солик билан boglik хатарлар		•			
Тарифларнинг ўзгаришига ond бўлган хатарлар		•			
Лойиха шартномаси тузилганидан кейин лойихага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		
Конунчилликдаги ўзгаришларнинг лойихага салбий тасъири хатарлари	•				
Лицензия, руҳсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	•				
Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	•				
Сиёсий бекарорлик хатарлари	•				
Таъмирлаш ва реконструкцияга онд хатарлар			•		
Мулк конфискацияси	•				
Операцион хатарлар			•		
Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан boglik)			•		
Оператив фаолият билан boglik бўлган хатарлар			•		
Талааб билан boglik бўлган хатарлар		•			
Бошка					
9.	Хар бир боскич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг:				
		Сана		Сана	
a) ДХШ лойихасининг концепциясини тасдиқлаш		д)	Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш		
б) Лойихаолди хужжатларни ишлаб чикиш (масалан: тендер		е)	Махсус лойиха компаниясини		

	хужжатлари)		(SPV) ташкил этин.	
b)	Дастлабки малакани аниклаш (агар күллаш мүмкін бўлса, малакани аниклаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	ё)	Молиявий якунлаш	
г)	Голибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)			
10	Жорий ҳолатда ахолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблаг			
11.	Ушбу лойиха давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблаг (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради)			
12.	Агар ташаббус кўрсатилган лойиха доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойихани ДХШ механизми асосида амалга oshiришининг мақсадга мувоффиклени асослаб беринг:			
13.	Ташаббус кўрсатилган лойиха иктисодий, ижтимоний ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:			
14.	Ташаббус кўрсатилган лойиха доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми? Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:			
15.	Ташаббус кўрсатилган лойиха инновацион ёндашувни ўз ичига олганни ва тарафлар учун макбўл бўлган мутаносиб нафни таъминла бера оладими? Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:			
16.	Ташаббус кўрсатилган лойиха доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб- китоблар ва ҳисбогтларни жорий этиш низарда тутилганми? Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:			
17.	Лойихани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми? Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг (га.):			
18.	a) Лойихани амалга ошириш натижасида ижтимоний муаммолар келиб чикиш эҳтимоли мавжудми? Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг: Асослантириш учун тасдиковчи хужжатларни тақдим этинг. б) Лойихани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми? Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/> Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг. Асослантириш учун тасдиковчи хужжатларни тақдим этинг.			
19.	Давлат шериги томонидан (ДХШ лойихаси доирасидан ташкири) амалга oshiрилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳамъяларини кўрсатинг: Сув таъминоти обьектларини куриш <input type="checkbox"/> Газ таъминоти обьектларини куриш <input type="checkbox"/> Электр таъминоти курилмаларига уланиш <input type="checkbox"/> Кириш йўллари <input type="checkbox"/> Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/> Бошка			
20.	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:			
21.	Давлат шериги томонидан лойихани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойихани амалга oshiриш гурухи ҳамда ДХШ лойихаси менежери, гурух аъзоларининг лавозими ва маъжбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.			
	Маъсул этиб тайинланган шахс	Давлат шериги		
	Ф.И.О.:			
	Лавозими:			
	Тел.:			
	Электрон почта манзили:			

«Киритилди»

Хусусий ёки давлат шериги раҳбари

(Ф.И.О., имзо)

«Келишилди»

Ваколатли давлат органи
раҳбари _____
(Ф.И.О., имзо)

Изоҳ. 1. Умумий қиймати бир миллион АҚШ доллариға қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи иштирокисиз мустақил равишда давлат шериги томонидан тасдиқланади.

2. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ доллариға қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда давлат шериги томонидан тасдиқланади.

3. Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси хусусий ёки давлат шериги томонидан киритилиб, ваколатли давлат органи билан келишилгандан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Лойиҳани баҳолаш ҳужжати

Лойиҳанинг қисқача мазмунида қуидагилар келтирилиши лозим:

loyihanning nomi;

taшаббускор nomi;

loyihanning xисоб-китоб қилинган умумий қиймати (AQШ dollariда ёки AQШ dollari эквивалентида);

loyiҳa кўлами, шу жумладан унинг қуввати;

loyihanning таркибий қисмлари — ҳар бирининг нархлари кўрсатилган ҳолда;

loyiҳa амалга ошириладиган манзил (вилоят, туман, шаҳар);

loyihanning мақсади ва вазифалари, шу жумладан миқдорий ифодаланган шаклда;

асосий фойда кўрувчилар акс эттирилган ҳолда, мақсадли гуруҳлар;

молиялаштириш манбалари ва схемалари;

молиялаштириш йиллар кесимида кўрсатилган ҳолда, лойиҳани амалга ошириш даври.

1. Иқтисодий бўлимда лойиҳанинг бутун республика ёки худуд иқтисодиёти нуқтаи назаридан таҳлили акс эттирилади. Ушбу бўлимда, заруратга кўра қуидагилар кўрсатилиши мумкин:

loyihanning иқтисодий фойда ва харажатларини баҳолаш, шу жумладан лойиҳa натижалари, оқибатлари ва таъсири таҳлили, сарф-харажатлари ва ўлчаб бўлмайдиган фойдалари, қўшилган фойдалар ва сарфлари, қайтариб бўлмайдиган сарф-харажатлари, ташқи таъсирлар, лойиҳадан келадиган билвосита фойдани баҳолаш;

тармоқларни ривожлантириш Концепциялари доирасида лойиҳани ва ишлаб чиқариш кучларини оптималь жойлаштириш, мавжуд қувватлардан фойдаланиш, шунингдек, хомашё ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот бозори конъюнктураси билан узвий боғлиқликда лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги.

2. Молия бўлими молиявий харажатлар ва даромадларнинг дастлабки баҳолари ва асосларини, лойиҳани молиялаштиришнинг муқобил схемалари ва манбаларини, шунингдек, лойиҳани амалга оширишнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, молиявий моделини ўзида акс эттиради.

Ушбу бўлимда, заруратга кўра куйидаги маълумолар акс эттирилиши лозим:

ложиҳани амалга ошириш йиллари ва технологик босқичлари бўйича инвестиция даври, лойиҳа доирасидаги чора-тадбирларнинг кетма-кетлиги ва давомийлиги тасвирий кўринишда, вакт бўйича (график-режа), молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари инобатга олинган ҳолда акс эттирилган лойиҳани амалга оширишнинг батафсил графиги;

инвестиция харажатларининг умумий ҳисоб-китоби, молиялаштириш эҳтиёжларининг лойиҳа босқичлари ва молиялаштириш ҳажмлари бўйича тақсимоти;

ишлиб чиқариш харажатлари (эксплуатация харажатлари) ҳисоб-китоби; лойиҳанинг бошқа харажатлари ҳисоб-китоби;

ложиҳанинг қуйидагиларни ўз ичига олган молиявий кўрсаткичлари:

маҳсулот таннархи, тарифлар, маҳсулот (хизмат)нинг чиқиш нархи ҳисоб-китоби;

савдолардан олинадиган тушум ҳисоб-китоби, тақсимланмаган ва соғ фойда ҳисоб-китоби;

пул маблағлари оқимининг йиғма ҳисоб-китоби;

дисконт усуллар ёрдамида лойиҳани таҳлил қилиш, шу жумладан соғ дисконт даромад (NPV), фойдалиликнинг ички нормаси (IRR), харажатларни қоплашнинг дисконтланган муддатини ҳисоблаш, капитал ўртача қийматининг ҳисоб-китоби (WACC);

ложиҳа ликвидлиги таҳлили;

молиялаштириш схемаси, манбалари ва шартлари, шунингдек, уларнинг муқобил варианлари;

молиявий хавф-хатарларни баҳолаш (хавф-хатарлар матрицаси), хатарларнинг асосий омилларини белгиловчи жиҳатлар, ўзгаришларнинг тахминий хусусиятлари ва кўлами, хатарларни камайтириш бўйича назарда тутилган тадбирлар.

3. Ижтимоий бўлим лойиҳанинг ижтимоий жиҳатларини ва уни амалга оширишдан бенефициарлар қўрадиган фойдани ўзида акс эттиради.

Ушбу бўлимда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

ложиҳанинг меҳнат ресурсларига эҳтиёжи ва унинг аҳоли бандлигига таъсири;

ишчилар ва мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастури;

меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги нормалари;

мавжуд қувватлардан фойдаланиш ва уларни оптималь жойлаштириш доирасида лойиҳанинг қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳамда тармоқлар, худудлар бўйича ижтимоий соҳадаги ва «бошқа тармоқлардаги» ривожлантириш

концепцияларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда унинг ижтимоий аҳамияти.

4. Маркетинг тадқиқотлари бўлимни маҳаллий ва халқаро бозор имкониятларини баҳолашдан иборат (шу жумладан, ҳомийлар, пудратчилар, сармоядорлар).

Ушбу бўлимда лойиҳанинг кўлами, техник талаблар бўйича бозор муносабатларини баҳолаш ва қўллаш, хавф-хатарларни тақсимлаш бўйича тавсиялар кўрсатилади.

5. Техник-технологик бўлимда лойиҳани амалга оширишнинг турли технологик ечимлари акс эттириш, лойиҳа тузилиши, лойиҳа бўйича техник ечимлар, лойиҳанинг ҳал қилувчи кўрсаткичлари, компонентлари, шунингдек, уларнинг ҳисоб-китоб қилинган қийматлари баён қилинади.

6. Экологик бўлимда лойиҳанинг экологик жиҳатлари акс эттирилади. Лойиҳанинг атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш, лойиҳани амалга ошириш натижасида етказиладиган экологик заарар миқдорини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хулосасини инобатга олган ҳолда, унинг салбий таъсирини камайтириш бўйича назарда тутилаётган чора-тадбирлар баён этилади.

7. Институционал бўлимда лойиҳанинг амалга ошириш давомида уни бошқариш схемасини ўз ичига олган бўлиши ҳамда ҳуқуқий асослар, бошқарув тузилмаси ва молиявий харажатлар баҳоси тасвирланиши лозим. Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, харажатлар, фойда ва мажбуриятлар тақсимоти, шунингдек, институционал хавф-хатарлар ва хатарларни камайтириш бўйича кўзда тутилган тадбирлар.

8. Архитектура-қурилиш бўлимида қурилиш майдони (трассаси)нинг шаҳарсозлик талаблари, туманни режалаштириш лойиҳалари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ ҳолда жойлаштириш схемалари, тармоқлар, темир ва автомобиль йўллари, нефть ва газ қувурлари, энергия тизимлари, алоқа тармоқларини инобатга олган ҳолда, ҳудудни архитектура-режалаштириш лойиҳаларининг баёни акс эттирилади.

9. ДХШ тўғрисидаги битимнинг тузилмаси бўлимида қўллаш мумкин бўлган ДХШ моделлари учун вариантларни баҳолаш, тўлов механизми ва давлат даромадларини қўллаб-қувватлаш зарурати кўрсатилади.

Капитал харажатлар, фойдаланиш харажатлари ва молиялаштириш харажатларини қамраб оладиган молиявий моделни ишлаб чиқиш орқали ДХШ лойиҳасининг мақсадга мувофиқлигини текшириш талаб этилади. Молиявий модел тахминларни ўз ичига олиши ва асосий ўзгарувчан сценарийларни таҳлил қилиш учун функционал имкониятларни таъминлаши керак.

10. Давлат томонидан тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш турлари бўлимида қуидагилар заруратга кўра кўрсатилиши мумкин:

ДХШ лойиҳасини амалга ошириш доирасида талаб этиладиган лицензияларнинг, рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларнинг тўлиқ рўйхати;

субсидиялар, шу жумладан хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган активлар ва мол-мулк тарзидаги қўйилмалар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муайян миқдорини ёки бир қисмини истеъмол қилганлик ёки улардан фойдаланганлик учун тўловга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари;

бюджет ссудалари, қарзлари, грантлар, кредит линиялари ва молиялаштиришнинг бошқа турлари;

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари;

солиқ имтиёzlари ва бошқа имтиёzlар;

бошқа кафолатлар ва (ёки) компенсациялар.

11. Лойиҳани амалга ошириш режаси бўлимида қуидагилар заруратга кўра кўрсатилиши мумкин:

маркетинг режаси;

loyiҳani ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муддатлari;

асосий манфаатдор томонларни аниқлаш ва уларнинг лойиҳани амалга оширишдаги ролини белгилаш.

12. Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари қуидагиларни ўз ичига олади:

умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг дастлабки молиявий ҳисоб-китoblari ҳамда ДХШ лойиҳасининг самарадорлик кўрсаткичларини асослантируvчи ҳужжатлар тўплами;

умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг дастлабки молиявий ҳисоб-китoblari, бизнес-режаси ҳамда ДХШ лойиҳасининг самарадорлик кўrсаткичларини асослантируvchi ҳужжатлар тўплами;

умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг ижтимоий ва экологик тадбирлари, техник-иктисодий асослари ёки ҳисоб-китoblari ҳамда ДХШ лойиҳасининг самарадорлик кўrсаткичларини асослантируvchi ҳужжатлар, кўrсаткичлар ва компонентлардан иборат ҳужжатлар тўплами.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби

тўғрисидаги низомга

3-ИЛОВА

Давлат шериги томонидан ДХШ лойиҳаларини ташабbus қилиш, ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш, хусусий шерикни танлаш, ДХШ лойиҳасининг реестрини юритиш

СХЕМАСИ

Босқичла р	Субъектла р	Тадбирлар	Муддати
1-босқич	Давлат шериги	<p>1. Устувор йўналишлардан келиб чиқиб дастлабки баҳолаш тартиби асосида лойиҳаларни танлайди.</p> <p>2. ДХШ лойиҳасининг концепциясини ва лойиҳани баҳолаш хужжатини (ЛБХ) ишлаб чиқади.</p> <p>3. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБХ мустақил равишда тасдиқлайди.</p> <p>4. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБХ ваколатли давлат органига келишиш учун тақдим қиласди.</p>	Заруратга кўра
2-босқич	Ваколатли давлат органи	<p>1. Давлат шериги томонидан киритилган умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепциясини кўриб чиқади, келишади, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.</p> <p>2. Давлат шериги томонидан киритилган</p>	10 иш куни мобайнида

		умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси келишилгандан сўнг, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.	
3-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Ваколатли давлат органи томонидан киритилган умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепциясини кўриб чиқади ва маъқуллайди, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.	10 календарь куни мобайнида
4-босқич	Давлат шериги	Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги тасдиқланган ДХШ лойиҳасининг концепцияси асосида тендер ҳужжатларини ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳасини тайёрлайди ҳамда ваколатли давлат органига келишиш учун киритади.	Лойиҳа мураккаблигида н келиб чиқсан холда
5-босқич	Ваколатли давлат органи	Тендер ҳужжатлари ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳасини келишади ва давлат шеригига қайтаради.	10 календарь куни мобайнида

6-босқич	Давлат шериги	<p>1. Ваколатли давлат органи билан келишилган тендер ҳужжатлари ва ДХШ тұғрисидаги битим лойиҳасини тасдиқлайды ва расмий веб-сайтларда ҳамда бошқа маҳсус веб-сайтларда тендер эълон қилинади.</p> <p>2. Тендер комиссияси таркибинишакллантирад и ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.</p>	3 иш куни мобайнида
7-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Давлат шериги томонидан тақдим қилинган тендер комиссияси таркибини күриб чиқади ва тасдиқлайды	10 календарь куни мобайнида
8-босқич	Тендер комиссияси	<p>Бир босқичли тендер ўтказиш жараёнида талабгорларнинг техникавий таклиф ва тижорат (молиявий) таклифларини күриб чиқади ҳамда баҳолайды.</p> <p>Икки босқичли тендер ўтказиш жараёнида талабгорларни дастлабки малакалашдан ўтказади, уларнинг техникавий таклиф ва тижорат (молиявий) таклифларини күриб чиқади ҳамда баҳолайды.</p>	<p>30 календарь кунидан кам бўлмаган муддатда</p> <p>45 календарь кунидан кам бўлмаган муддатда</p>
9-босқич	Давлат шериги ва тендер	Тендер натажалари бўйича аниқланган тендер ғолиби ёки	10 календарь куни мобайнида

	ғолиби ёки захирадаги ғолиб	захирадаги ғолиб билан ДХШтүғрисидаги битимимзоланади ва лойиҳани амалга ошириш бошланади.	
--	-----------------------------	--	--

10-босқич	Давлат шериги	Имзоланган ДХШ түғрисидаги битим, ДХШ лойиҳаси концепцияси ва ЛБҲ ваколатли давлат органига ДХШ лойиҳаларининг реестрига киритиш учун тақдим қилади.	3 календарь куни мобайнида
-----------	---------------	--	----------------------------

11-босқич	Ваколатли давлат органи	ДХШ түғрисидаги битим, ДХШ лойиҳаси концепцияси ва ЛБҲ реестрга киритилади ва рўйхатдан ўтказилади.	3 иш куни мобайнида
-----------	-------------------------	---	---------------------

**Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга**
4-ИЛОВА

**Хусусий ташаббускор томонидан ДХШ лойиҳаларини ташаббус қилиш,
ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш, хусусий шерикни танлаш, ДХШ
loyiҳасининг реестрини юритиш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган вазифалар	Муддати
1-босқич	Хусусий ташаббускор	1. Устувор йўналишлардан келиб чиқиб, лойиҳаларни танлайди. 2. ДХШ лойиҳасининг концепциясини ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатини (ЛБҲ) ишлаб чиқади. 3. ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲ келиши учун потенциал давлат шеригига тақдим этади.	Заруратга кўра

2-босқич	Потенциал давлат шериги	<p>1. Хусусий ташаббускор томонидан таклиф этилаётган ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲ маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорни ўттиз календарь куни мобайнида қабул қиласида ва бу ҳақда хусусий ташаббускорни хабардор қиласида.</p> <p>2. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲ мустақил равишда тасдиқлайди.</p> <p>3. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ва ЛБҲ ваколатли давлат органига келишиш учун тақдим қиласида.</p>	30 календарь куни мобайнида
3-босқич	Ваколатли давлат органи	<p>1. Потенциал давлат шериги томонидан киритилган умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепциясини кўриб чиқади, келишади, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.</p> <p>2. Потенциал давлат шериги томонидан киритилган умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси келишилгандан сўнг, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.</p>	10 календарь куни мобайнида

4-босқич	Потенциал давлат шериги	Умумий қиймати ўн миллион АҚШ доллариға қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг, тасдиқлайди.	5 календарь куни мобайнида
5-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Ваколатли давлат органи томонидан киритилган умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг концепциясини кўриб чиқади ва маъқуллайди, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.	10 календарь куни мобайнида
6-босқич	Потенциал давлат шериги	<p>ДХШ лойиҳасининг концепцияси тасдиқланган тақдирда, бошқа талабгорларга ДХШ лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини ўзининг расмий веб-сайтида, ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва бошқа маҳсус веб-сайтларда эълон қиласди.</p> <p>ДХШ лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичida бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, ДХШ амалга ошириш ҳақида қарор қабул қиласди ва хусусий ташаббускор билан музокараларни ўтказишга киришади, ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли</p>	45 календарь куни мобайнида

		давлат органи билан келишади ва хусусий ташаббускор билан ДХШ тўғрисида тендер ўтказмаган ҳолда битим тузади.	
		Агар бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилса, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерикни аниқлаш тендер асосида амалга оширилади.	
7-босқич	Потенциал давлат шериги ва тендер ғолиби ёки захирадаги ғолиб	Тендер натажалари бўйича аниқланган тендер ғолиби ёки захирадаги ғолиб билан ДХШ тўғрисидаги битимимзоланади ва лойиҳани амалга ошириш бошланади.	10 календарь куни мобайнида
8-босқич	Давлат шериги	Имзоланган ДХШ тўғрисидаги битим, ДХШ лойиҳаси концепцияси ва ЛБҲ ваколатли давлат органига ДХШ лойиҳаларининг реестрига киритиш учун тақдим қиласди.	3 календарь куни мобайнида
9-босқич	Ваколатли давлат органи	ДХШ тўғрисидаги битим, ДХШ лойиҳаси концепцияси ва ЛБҲ реестрга киритилади ва рўйхатдан ўтказилади.	3 иш куни мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининиг айрим қарорларига киритилаетган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда енгил хизмат автомашиналаридан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Предельное количество служебных легковых автомобилей аппарата министерств, ведомств

и их подведомственных организаций, органов государственной власти на местах, финансируемых за счет государственного бюджета иловаси рустилидаги **матнининг** 34-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«34.	Министерство финансов	315	285	25	214	46	30	10	
	Центральный аппарат	20	14	7	4	3	6	30	
	Областные звенья	65	56	14	14	28	9	14	
	Районные звенья	209	194	—	194	—	15	7	
	Подведомственные организации	21	21	4	2	15	—	—	».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 334-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий дорихоналар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги **низомда**:

а) 2-банднинг **тўртинчи ва бешинчи хатбошилари** қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

давлат шериги — Ўзбекистон Республикаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги унинг номидан иш юритади;»;

б) **5-банд** қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ижтимоий дорихона Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, жумладан давлат-хусусий шериклик шартларига кўра, «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни ва мазкур Низомга мувофиқ ташкил этилади.»

в) **4-боб** ва **илова** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 13 декабрдаги 1009-сон **қарорида**:

а) **3-банддаги** «Агентликка учта, жумладан, битта хизмат ва иккита навбатчи» сўzlари «Агентликка учта, жумладан, иккита шахсий бириктирилган ва битта навбатчи» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) **2-иловада:**

2-банддаги «маҳсус» сўзи чиқариб ташлансин.

9-бандда:

«б» кичик банднинг **бешинчи хатбошисидаги** «экспертизадан ўтказади» сўzlари «таҳлил қиласи» сўzlари билан алмаштирилсин;

22-бандда:

куидаги мазмундаги бешинчи — еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агентлик томонидан ДХШ лойиҳалари бўйича ўтказиладиган анжуманлар, семинарлар, тренинглар ҳисобидан тушадиган тушумлар;

давлат ёки хусусий шериклар томонидан тўлаб бериладиган тўловлар, башарти ДХШ тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса;

жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари депозитига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар»;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

қуидаги мазмундаги «22¹»-банд билан тўлдирилсин:

«22¹. Агентлик фаолиятини молиялаштириш учун келиб тушган маблағлар қуидаги харажатларга йўналтирилади:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш;

иктисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат ва хусусий шериклар ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини тайёрлаш;

ДХШ лойиҳалари бўйича концепция, лойиҳа хужжатлари, услубий қўлланма, журнал, реклама ва роликларни ишлаб чиқиш;

республикада ва хорижда ДХШ лойиҳалари бўйича конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар, семинарлар, «давра сухбат»ларини ўтказиш;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, Агентлик ходимларининг хизмат сафарларини амалга ошириш;

Агентликни сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш;

қонун хужжатларда назарда тутилган бошқа ҳаражатлар.»;

қуидаги мазмундаги «22²»-банд билан тўлдирилсин:

«22². Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорида белгиланган нормалар Агентликнинг ривожлантириш жамғармаси маблағларининг сарфланишида татбиқ этилмайди».

27-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири тасдиқлайдиган тартибга мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун ҳар ойлик устамалар тўланади».

*(Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2020 й.,
09/20/259/0507-сон)*